

ИНСОН ВА ҚОНУН

Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуримиз
бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

2016 йил 18 октябрь • сешанба № 41 (1037)

4 декабрь — Сайлов куни!

Бугуннинг гапи



Участка сайлов комиссиялари

очиқлик, ошкоралик ва
демократик тамойил белгиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, жорий йилнинг 4 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сайловларни ташкил этиш, адолатли, ҳаққоний бўлиши, сайлов жараёни демократик асосларда ўтиши кўп жиҳатдан мамлакатимизнинг сайлов органлари, уларнинг тузилиши, тизими ва фаолиятига бевосита таъсир қилади.

Муваққатлик йилларида босқичма-босқич, изчил амалга оширилган ислохотлар асосида мамлакатимизда демократик талаб ва умумэтироф этилган халқаро андазаларга жавоб берадиган, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини, ҳар бир кишининг давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминловчи сайлов тизими шаклланди.

Айтиш кераки, сайлов қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг сайловини Конституциямиз мезонлари ва принциплари, сайлов қонунчилиги ва нормаларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, эркин, очиқ ва ошкора, четдан ҳеч қандай таъсир ўтказмасдан, ҳолисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намоён қиладиган тарзда ўтказишни таъминлаш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган.

Бугунги кунда сайлов комиссиялари фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларини, айнан демократик усулларга таяниб, ўз сиёсий иродаларини эркин ифодалаш орқали давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланишларини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Сайлов жараёнини демократик тарзда ташкил этиш, қонунларга мувофиқ равишда ўтказилишига хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг Президентининг сайловини ўтказувчи сайлов комиссияларининг қўйи тизими — сайловнинг ҳалоллиги ва очиқлиги муҳитида, юксак ташкилий даражада, демократик меъёрлар ва миллий конституциявий тамойилларга ҳамда амалдаги қонунларга мувофиқ равишда ўтказиш учун тузиладиган, сайловчилар билан бевосита ақидан ишлайдиган орган — участка сайлов комиссияларининг ҳуқуқий асослари ҳамда фаолиятининг асосий жиҳатлари тўғрисида сўз юритамиз.

Сайлов комиссияларининг мамлакатимизда яратилган уч поғонали тизимида участка сайлов комиссиялари муҳим ўрин тутиб, улар сайлов жараёнида ўзига хос асосий бўлинча вази-фасини ўтайди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда, овоз беришни ташкил этишда ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширадиган, бу жараёнларда аҳоли билан бевосита ишловчи ва орган сифатида участка сайлов комиссияларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади. Қўриб турибдики, Президент сайловини ўтказишни таъминловчи сайлов комиссиялари муваққат равишда фаолият юрита олишга қодир бўлиб, улар таркибий ва тузилмавий жиҳатдан тизимлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг ҳуқуқий асослари, уларнинг ваколат ва вазифалари ҳамда фаолиятини ташкил этиш масалалари "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Президентининг сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 3 февралдаги 681-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2016 йил 23 сентябрдаги 739-сон қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Президентининг сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига биноан округ сайлов комиссияси бутун округ ҳудудидан ўшбу сайловга оид қонунларнинг ижросини назорат қилиниши, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлаши, сайлов участкаларини тузиши ҳамда участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Участка сайлов комиссияси ўзининг давлат-ҳуқуқий мақоми мазмунига кўра — сайлов участкасида сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига масъул бўлган, тегишли давлат ҳокимияти ваколатига эга бўлган коллегиял давлат органи ҳисобланади. Миллий сайлов қонунчилигимизда сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган. "Ўзбекистон Республикасининг Президентининг сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига биноан округ сайлов комиссияси бутун округ ҳудудидан ўшбу сайловга оид қонунларнинг ижросини назорат қилиниши, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлаши, сайлов участкаларини тузиши ҳамда участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Миллий сайлов қонун ҳужжатларимизга кўра участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар дастлаб, жамоатчиликнинг обрўли вақиллари орасидан уларнинг эл орасидаги обрўси, ҳаётий таъриби ва малакавий хусусиятлари, ташкилотчилик қўбилияти каби хусусиятлари асосида танланган ҳолда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳожама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Иккинчи босқичда, участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби яна бир қарра ҳар томонлама ўрганилиб, округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Тадбир йўли тор бўлмас, Тадбирли эл хор бўлмас...

Шу йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистоннинг эндиликдаги тараққиёт йўлини белгилловчи муҳим ҳужжат бўлди.



Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 36-модда)



Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.
Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 53-модда)



Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 54-модда)

Аслида ҳар қандай фармон мамлакат равақи, халқ фаровонлиги, одамларнинг бахт-саодати йўлида чиқарилади. Бир сўз билан айтсак, Инсон, Инсон ва янаям Инсоннинг манфаати фармоннинг бош мезони бўлса... бундай фармонни халқ ҳушдиқлиги ва ҳушқоллиги билан қарши олади.

Ҳаёт тўхтаб турмайди, давом этади. Давом этаётган ҳаёт йўлининг ҳар бир кунда ўзига яраша масала-ю мадоралар учрайди, бусиз мумкин эмас. Бугун ҳеч бир мамлакат тезкор, тараққиёт "туполонлари" авж олган давримизда анча олдинги манзилу маконларни кўрмасдан туриб одим отиши, ўз келажагини бунёд этиши мумкин эмас. Очиғи, бугун ўтса бўлди, эрта бир гап бўлар қабилида мутлақо яшаб бўлмайди, бугун яшаб туриб эртанги кун қандай ҳаёт кечиришни ўрганиш, бунинг чорасини кўриб қўйишни замоннинг ўзи талаб қилаётган.

Мазкур Фармон бугун яшашдан мақсад эртани ўйлашдан иборат, деган ақидага ҳамоҳанг.

Яъни, Ватаннинг эртанги кунини учун қайғурилган, эртанги кун бугундан бошланганини англаш мезонидир бу!

Ушбу Фармон юксалиш иморатининг яна бир эшигига урилган олтин қалит бўлди. Тадбиркорга янаям юксалиш имконини берди, таянч бўлди, суянч бўлди, қанот бўлди, сабот бўлди.

Фармон яратувчан, бунёдкор одамга янаям ишонч берди. Йўлидаги айрим иккиланашларни олиб ташлади. Сен юришининг зарур, йўлингга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, ўзинг тўғри бўлсанг, йўлинг тўғри, деган даъват бор Фармонда. Тадбирли танг қолмаслиги керак, тадбирманд тор, хунарманд хор бўлмайди, деган халқона, миллий бир донишмандлик бор Фармонда.

Катта авлод, ўрта авлод вакиллари билишади; илгари, истиқлолдан олдин хусусий мулк, мулкдор, бизнес деган гап-сўзларни эшитсак кўнгил алағда, юрак ваҳимада бўларди: Мулк? Қанақа мулк? Инсонда мулк нима қилади. Хусусий мулк йўқ — давлат мулки бор деган тушулча билан яшардик. Хусусий мулк йўқ эди, социалистик мулк бор эди, мулкдормисан буржуйсан, бизнесменмисан чайқовчисан — тамга шу эди. Ҳамма нарса давлатники эди, одамлар ҳам, лекин давлат одамларники эмасди. Бирса давлат берарди, урса давлат урарди — халқ давлатга кўл қўзиб турарди, ётиб есанг тоғ ҳам қўлайди, деган тағдор гап, ўша тузумга қарата айтилганими, деб ўйлайсан киши. Энг ёмон социалистик мулкнинг бир типини, икки типини, уч... беш типини деб қўйгансан деб ҳаёт кема-сидан улқотиришарди — турмага тикишарди. Ҳа, соцулмнинг зарби оғир эди, машамаси ёмон эди, айтгулик-дегулиги йўқ эди...

...Бугун замон Худога шукр мутлақ бошқа! Озод юрт, озод одамлар, озод тафаккур, бунёдкорлик ҳавоси бор. Бутун омма мўлтираб давлатга кўл қўзиб ўтирадиган таназзул замони эмас ҳозир. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес жадал ривожланиётган. Давлатимиз тадбиркорга елка тутиб катта йўлга олиб чиқапти, шароит ва имконият яратаяпти. Инсонда бунёдкорлик, ижодкорлик ҳисси шаклланса ва буни бутун бир халқ англаб етса, ўша жамиятда ўсиш ва улғайиш бўлади. Учоқ бошида туриб қозонга чўмич урган кимсанинг қосаси сира қуруқ бўлмайди. Тадбиркор ҳам худди шундай бугун, аввал ўзи бой бўлади, бола-чақаси тўқ бўлади, яхши яшайди, оиласи бут, қўни-қўшнилар хотиржам, маҳалла-қўйга нафи тегади, давлат юксалишига ҳисса қўшади. Халқимизнинг бир доно гапи бор: "Элингда бори белингда бори" деган. Яъни, элда бой кўп бўлса, элнинг кўнгли тўқ бўлади, бели бақувват бўлади. Тадбиркорлиқнинг, хусусий мулкнинг меваси тугул соясидан ҳам эл-юрт баҳраманд бўлади-да.

Ушбу Фармон мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилади, янги поғонага олиб чиқади, ишбилармонлик муҳитига бемисл рағбат беради. Шу билан бирга юртимизнинг ўзига хос иқтисодий юксалиш стратегиясини белгилашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Юрт тараққиёти таянч омилларини юзага чиқариш имконини беради.

Албатта, тадбиркорлик бизда қадим-қадимдан ривожланган, халқимизнинг қонидан бўлади. Тадбиркор азалдан улғулган, даврининг пешқадами деб қаралган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий "Дил ба ёру даст ба қор" деган улғу ақидани яшашнинг мазмун-моҳияти деб билган. Яъни, қалбнинг Худога, қўлинг ишда бўлсин! Улғу Соҳибқирон бобомиз Амир Темури "Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шикоятли бир киши — минг тадбирсиз ва лоқайд кишини афзал", — дейди. Ҳазрат Навоий эса Садди Искандарий достонидан "Солиб допишу пушта тадбирлик", — деб ёзади. Навоий тадбиркорлик — билимлилик, тафаккур эгаси эканлигини таъкидлайди. Хуллас, ҳар бир замонда бу соҳа аҳлига алоҳида ҳурмат билан қаралган...

Муваққатлик йилларида тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш, кичик бизнес имконияти уфқларини кенгайтириш мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришининг асосий мезони сифатида қаралди ва бу йўлда Биринчи Президентимиз томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилди, қўллаб-қувватлаш қарорлар қабул қилиниб ҳаётга таътиб қилинди. Мазкур Фармон эса қилган барча саъй-ҳаракатларнинг изчиллигини таъминлаш, янги босқичга олиб чиқишда алоҳида ҳаётий аҳамият касб этади.

Мазкур Фармоннинг ҳаётбахшлик амалини нимада кўрамайз? Аввало, Фармоннинг ҳар бир бандини алоҳида шарҳласак, тушуниб етсак, унда тадбиркор учун мислсиз рағбат, кучли ҳимояни кўрамайз. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа идоралар, энг аввало, тадбиркор манфаати учун хизмат қилаётгани, тадбиркорнинг тўғри йўлида ҳеч қандай тўсиқ ва маъмурий говларга ўрин қолмаганини англаймиз. Содда қилиб айтсак, улар тадбиркор хизматига, тадбиркорга кенг йўл ва имтиёз-яратиш ҳаракатида. Яъни, тадбиркор фаолиятига давлат органлари аралашуви тубдан қисқартирилмоқда. Тадбиркор эркинлигини таъминлаш, деган тушулча давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишига, давлат органларининг биринчи даражали вазифасига айланмоқда.

Демак, тадбиркор эркин! Энди ҳудуд-беҳудда текширувлар ўтказилишига чек қўйилади, яъни ишбилармонни қўллаб-қувватламоқчи бўлсак унга эркинлик бериш керак деган даъват ва кўрсатма бор Фармонда. Яна айтсак, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши тадбиркорга ўз иши ва хатти-ҳаракатида қатъий ишонч пайдо қилади.

Фармон нафақат мамлакатимиз тадбиркорлари, балки хорижий инвесторлари ҳам руҳлантириб юборди. Чет эллик инвесторлар учун ҳам янаям қўлай ишбилармонлик муҳити яратилади. Бу ҳолни биз хорижий ишбилармонларнинг юртимиз оммавий ахборот воситаларида миннатдорлик руҳидаги чиқишларида мазкур Фармон аҳамиятига юксак баҳо бераётганларида ҳам кўриб турибмиз.

Фармон ва унинг шарҳини синчиклаб ўқир эканмиз, энг аввало, тадбиркорлик фаолияти ҳимояси, хусусий мулк дахлсизлиги давлат томонидан қонуний кафолатланганини, ҳимояга олинганини ҳис қиламиз. Бугун Ватанимиз ёруғ ва нузли келажаги, эртанги кунини унга бир муҳим ишни амалга оширишга қўл урилгани, иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари яна бир дадил қадам ташланганини англаймиз.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Сайлов — 2016

Марказий сайлов комиссиясида



2016 йилнинг 13 октябры кунн Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М.Абдуллоев бошқарди.

Видеоқонференцалоқа шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларида бағишланган тадбирлар режасини муҳокама қилди.

Кайд этилганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий савияда ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ҳамда уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган семинар-тренинглар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тадбирлар республика онлайн семинар-тренинги, шунингдек, участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар-тренинглар шаклида ўтказилиши мўлжалланган. Бунда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, мўддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов кунн овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни очиклиги ва ошқоралигини таъминлашдаги роли сингари муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатлари тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази

Участка сайлов комиссиялари

очиклик, ошқоралик ва демократик тамойил белгиси

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Участка сайлов комиссиясининг фаолияти сайлов участкаси ҳудуди доирасида амалга оширилади. Сайлов участкаси — сайловчиларни тегишли маълумотлар билан, барча сайлов ҳуқуқига эга фуқароларнинг овоз беришда иштирокини ҳамда берилган овозларни ҳисоблаб чиқишни таъминлайдиган, сайловчилар рўйхати тузиладиган ва ҳаммага маълум қилиш мақсадида ташкил қилинадиган ҳудудий бирлик бўлиб, сайлов участкасининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Яна бир бор таъкидлаб ўтишни истар эдикки, сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси ёки номзодлар ёхуд номзодларнинг ишончли вакиллари бўлиши мумкин эмас. Жумладан, қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, унинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинган комиссия аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган ҳисобланади.

Бундай қонуннинг белгиланиши, сайловларни ташкил этишга ваколатли сайлов комиссиялари фаолиятини ҳолис, сайлов натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахслар томонидан ўтказилишининг қафолати бўлиб хизмат қиладди. Шунингдек, бир шахс факат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин. Яъни, битта шахс

бир вақтнинг ўзида ҳам Марказий сайлов комиссияси ҳам округ сайлов комиссияси ёки участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлишига йўл қўйилмайди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунн овоз бериш ҳоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Участка сайлов комиссияларининг асосий ваколатлари сифатида: участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузиш; сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништириш, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар киритиш масаласини ҳал қилиш; сайлов кунн ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиш; сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилиш; овоз бериладиган бинолар ва сайлов қутлири тайёрлаб қўйилишини таъминлаш; сайлов кунн сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиш; сайлов участкасида берилган овозларни

ҳисоблаб чиқиш; сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш белгиланган.

Жумладан, бунинг учун участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятида аҳолини сайлов комиссиясининг жойлашган манзили, телефон рақами, иш вақти, овоз бериш кунн, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиши, сайловчиларни қабул қилишни ташкил этиши, тегишли тартибда участка сайлов комиссияси биноси ҳамда овоз бериш хонасини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиши ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этиши, округ сайлов комиссияларидан даволатномалар асосида сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиши, сайлов варақалари ва бюллетенларини икки нафар комиссия аъзоси имзоси ва комиссия муҳри билан тасдиқлаш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни режалаштириши зарур.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига жамоатчилик вакиллари жалб қилиши мумкин. Ўйларга бориб яиланиш вақтида фуқаролар сайлов кунн ўшбу участка ҳудудида бўлиш-бўлмаслигига аниқлик киритилади. Сайлов участкаси ҳудудида вақтин

чалик яшаётган фуқаролар бўлса, уларнинг овоз бериш кунн ўшбу ҳудудда бўлиш-бўлмаслиги ўзаро суҳбат чоғида аниқланади. Сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар билан шахсан суҳбат қуриш имконияти бўлмаса, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар билан шахсий суҳбат чоғида улар овоз бериш кунн ўшбу ҳудудда бўлиш аниқланса, бундай фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади. Бунда участка сайлов комиссияси ўшбу фуқаролар доимий яшайдиган участка сайлов комиссияларига ўшбу фуқароларни уларнинг яшаш жойи бўйича сайловчилар рўйхатидан қариб ташлаш зарурлиги ҳақидаги ахборотни етказиш чораларини кўради.


Ўзбекистонда овоз бериш сайлов кунн соат 6.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан қайида ўн кун олдин хабардор қиладди. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги жойларида, санаторийлар ва дам олиш ўйларда, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамқода сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти, рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса,

исталган вақтда овоз бериш туганганлигини эълон қилиши мумкин.

Сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси аъзолари сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган биндо кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг қамиди икки аъзосига сайловчилар тўғрисида овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин. Овоз беришчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган қабина ёки хонада тўлдирди. Бюллетенларни тўлдирш вақтида овоз беришдан бошқа бирон бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга масъул сайлов комиссиялари тизимида участка сайлов комиссияси энг қуйи бўғинни эгаллашга қарамай, аҳоли билан бевосита ёки тўғридан-тўғри ишловчи сайлов комиссияси бўлганлиги боис унинг фаолиятига оид қоидаларни ҳар бир сайловчи чуқур билиши сайловларнинг демократик ўтишида долзарб масала ҳисобланади.

Зеро, участка сайлов комиссияси ўзининг сайлов жараёнида ошқораликни таъминлашдаги иштироки, тузилиш тартиби ва таркиби, сайлов участкасида барча сайлов ҳужжатларининг (сайлов бюллетенлари, варақалари, сайловчиларнинг рўйхатлари, муҳрлар ва ҳ.к.) сақланиши учун жа



вобгар субъект сифатида, шунингдек, ўзига берилган ваколатлари, жумладан, участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузиш, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништириш, аҳолини сайлов кунн ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этиш, овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлаш, энг муҳими, сайлов кунн сайлов участкасида овоз беришни тўғри ташкил этиш ва сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш орқали фуқароларга сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш шароити ва самарали механизмни яратиб беради.

Кўрииб турибдики, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида участка сайлов комиссиялари фаолиятига доир мустаҳкамланган қоидалар фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этиш орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишлари, у орқали мамлакатнинг эртанги кунн ва келажигига дахлдор энг муҳим масалаларни ҳал қилишда етарли ҳуқуқ ва қафолатлар берилганлиги билан ажралиб туради.

Сайловга қамиди қирқ кун қолганида тузиладиган участка сайлов комиссиялари мамлакатимиз

да демократик ва адолатли сайлов ўтказиш учун, қонунийлик принципи асосида мустақил ишловчилар рўйхатини тузиш, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништириш, аҳолини сайлов кунн ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этиш, овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлаш, энг муҳими, сайлов кунн сайлов участкасида овоз беришни тўғри ташкил этиш ва сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш орқали фуқароларга сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш шароити ва самарали механизмни яратиб беради.

Ақмал РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди,

Ойбек ТУРҲУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг кафедра мудири, юридик фанлар номзоди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги маҳкумлар:
 - а) айблар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - г) чет давлатлар фуқаролари;
 - д) Амнистия тўғрисидаги Қарор қучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари, шунингдек сил касаллигининг фаол шаклига чалинган (диспансер ҳисобида I ва 2 гуруҳ) деб эътироф этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;
тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан таътиб этилмасин.

Ушбу банднинг амал қилиши:
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида, 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;
тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан таътиб этилмасин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан таътиб этилмасин.

ликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Мазкур Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;
тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан таътиб этилмасин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

- а) қасддан содир этган жиноятни учун ўн йилдан кўп бўлмаган мўддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо мўддати — учдан бир қисмига;
- б) қасддан содир этган жиноятни учун ўн йилдан ортиқ мўддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо



мўддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан таътиб этилмасин.

7. Ушбу Қарорнинг амал қилиши — узок мўддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаятган; афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум

қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан таътиб этилмасин.

8. Ушбу Қарорга мувофиқ асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларининг очик-ошқора амалга оширилишини таъминлаш устидан бевосита сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этсин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган қўндан эътиборан қучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябры

Н.ЙҮЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши Ватанимиз иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Катта рағбат, толмас қанот, беқиёс имконият бу!

Тадбиркор эркин

у ҳимояда, у катта имконият эгаси

МАЪЛУМКИ, қайси давлатда ишлаб чиқариш юқори даражада бўлса, бу жараёнга инновацион технологиялар жорий этилса, маҳсулот етиштиришда саноатнинг улуши юқори бўлса, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояланса, шу билан бирга соғлом рақобат муҳити яратилса ўша давлат юқсак тараққиётга эришиши аниқ ҳақиқат. Эеро, юқоридаги омиллар таъсирида АҚШ, Канада, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония каби давлатлар ўта юқсак тараққиётга эришгани тарихдан яхши маълум.

Тадбиркорлик азалдан халқимизнинг қонидан бор. Ҳар бир ишни омиликорлик, тадбиркорлик билан бажариш муҳим мезон эканлигини яхши биламиз. Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлиқнинг ривожланиши йўлида амалга оширилган салмоқли ишлар халқимизнинг ана шундай юқсак фазилатларини қўлаб-қувватлашга бағишланганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи ишончли норматив-ҳуқуқий база яратилди. Улар моддий-техника ва молиявий ресурслар олишлари учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Бизнес муҳити яхшиланди. Фаолиятнинг лицензияланганидан турлари ва рухсат бериш тартиблари анча қисқарди, ҳисобот тизими соддалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тадбиркорликни янада қўлаб-қувватлашга катта туртки бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса мазкур соҳадаги ислохотларни яна бир янги босқичга олиб чиқарди.

Мазкур Фармонга мувофиқ мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир бешта асосий йўналишлар бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Дастурда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асосий аралашувнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада янгибевҳлаштириш, молиявий ҳамда солиққа тортиш тизими ва боқимонда ишнинг тақомиллаштириш, тадбиркорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини қўлайитириш, бизнес юриш шартлолларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Фармонга асосан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, жумладан, жиноят иши доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибдаги жиноий жазо қўлланилмаслиги, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ҳодимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва ваколатларини босқичма-босқич суд органларига ўтказиш назарда тутилди.

Маълумки, авваллари тадбиркорлар фаолияти текширилганда ноқонуний ҳолатлар аниқланган тақдирда барча ишлаб чиқариш ускуналари мусодара қилинади, тадбиркорга нисбатан эса катъий жавобгарлик масаласи қўрилиб, у бизнес фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан батамом маҳрум этилар эди. Эндиликда мазкур Фармонга кўра, билиб-билмай шундай ноқонуний фаолиятга йўл қўйган тадбиркорлик субъекти ҳуқуқбузарлик аниқланган қўндан эътиборан бир ой ичиде отқазилган зарар ўрнини ихтиёр равишда қоплаган, қонуний рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда тегишли тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди. Бу эса халқимизга хос бағрикенглик ва кеңиририлиш тўғрисидаги мазкур ҳужжатда акс этганини англатади.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилаётганидан, шу қаторда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат эътиборида эканлигидан далолат беради.

Улғубек ИСМАТИЛЛАЕВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



Байрамклич ДАДЕБОВЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
“Азамат” фермер ҳўжалиги раҳбари:

— Йигирма уч йилдан буён фермерлик билан шуғулланиб келаман. Ҳар йили пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларидан мўл ҳосил олинаётганлиги боис, ҳўжалигимиз ишчиларининг моддий манфаатдорлиги яхши. 54 нафар ишчимизнинг 35 нафари коллеж битирувчиларидир.

Мустақиллик даври тадбиркорлар даври бўлди. Мамлакатимизни ҳимоя қилувчи, имтиёзлар берувчи қанчадан-қанча қонунлар қабул қилинди. Хуллас, ишлайман деганга имконият берилди. Натижада давлатимизда ишлаб чиқариш дейсизми, фермерлик бўладими ёки оилавий тадбиркорлик бўладими турли йўналишларда катта-катта ютуқларга эришилди. Илгарилари устимизга қийдаган (гарчи пахтани ўзимиз етиштирсак ҳам) қийим ҳам, бунни қўйинг, ҳатто совун ҳам четдан олиб келинарди. Бугун, барака топсин тадбиркорларимиз ҳамма нарсани ўзимизда ишлаб чиқармоқда. Ортганини экспорт ҳам қилапти. Бу нимадан далолат — албатта, шу соҳа вақилларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбатдан далолат. Ўзингиз ўйланг, чекка бир ҳудуднинг фермери ёки деҳқонни давлатимиз томонидан “Энг яхши фермер” деб эътироф этилса, ҳар томонлама қўлаб-қувватласа бундай эътибордан сўнг янада яхшироқ натижаларга эришишимиз аниқ ҳақиқатку.

Қуни кеча матбуотда эълон қилинган Фармон ҳам тадбиркорларнинг дилидаги гап бўлди. Белгиланган чора-тадбирлар фаолиятимизни янада самарали ташкил этишда қўлай имконият, шарт-шароитлар яратди. Қўнғимизда кечаётган икки-лашлардан халос этади.


Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибдаги жиноий жазо қўллаш тақиқланганлигидир. Авваллари тадбиркор қонунбузилишига йўл қўйган тақдирда ҳам моддий, ҳам маънавий зарарни тўлаган бўлишига қарамасдан, муайян ҳуқуқдан ҳам маҳрум қилинарди. Ўз фаолиятини давом эттирма-биз, Эндиликда биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган ва айбини ювган тадбиркорларга ўз фаолиятини салбий оқибатларсиз давом эттириш имкони бор. Бу чора эса тадбиркор учун рағбатдир!



Фарход ЭРНАЗАРОВ,
“Трайдинг сервис” ишлаб чиқариш корхонаси директори,
“Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг
Навоний вилоят бўйича ваколатли вақили:

— Бугун тадбиркорларимиз катта имкониятларга эга бўлди. Юртимиз ишбилармонларининг чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик ва керак бўлса рақобат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу истисқол шарафати, албатта. Биз ҳам хусусий мулк эгаларига берилган имкониятлардан фойдаланиб, аҳолига сервис хизмати кўрсатиш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритаёмиз. Айниқса, меҳмонхона ва туризм хизматини кўрсатиш қўлами тобора кенгаймоқда. Яқиндагина Тошкент шаҳрида 22-бор ўтказилган “Ипак йўлида туризм” анъанавий Тошкент Халқаро туристик ярмаркасида иштирок этиб, 30 дан ортиқ хорижий ва ҳамдўстлик мамлакат-

Валибой ФАЙЗИЕВ,
“Триумф Горняк” масъулияти
чекланган жамияти раҳбари:



— Очилган имкониятлар эшиги бизни чет эллик ҳамкорларга рўбарў қилаётганлиги, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг четга экспорт қилишга кенг йўл очаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Фармонда кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ҳодимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилганлиги аниқ мўддао бўлди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган оқилона сиёсат туфайли катта ютуқларни қўлга киритаёلمиз. Жумладан, биргина ўтган йили “Ташаббус-2015” кўрик-танловида “Энг яхши тадбиркор” сифатида вилоятда голибликни қўлга киритиб, Республика босқичида иштирок этиш шарафига мўяссар бўлдим ва “Энг яхши экспортчи” номинацияси голиблигини қўлга киритдим. Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати йилдан-йилга ошмоқда, янги иш ўринлари яратиб имкониятларимиз кенгаймоқда. Биргина 2015 ва 2016 йиллар давомида 90 та янги иш ўрни яратилганлиги, қанча-қанча оилалар фаровонлигини оширишга ҳиссамиз қўшилаётганлигидан мамнун-миз.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, янги Фармон қўлга киритган барча ютуқларимизни янада қўлайитириш имконини бериши аниқ. Чунки 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб аввал кўрилмаган — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши (бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно) шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши тадбиркорларга ўз фаолиятларини ҳеч қандай ҳадиксиз ва қўрқусиз амалга оширишларига имкон яратиши мўқаррар!

ларининг туристик компаниялари вақиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди. Улар орасида Таиланд, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Сингапур ва бошқа қатор ривожланган давлат сайёҳлик компаниялари борлигини ва улар барқарор тинчлик ва осойишталик мамлакати бўлиш жонажон Ўзбекистонимизга катта қизиқиш билан интилаётганлигини фахр ва ифтихор билан эътироф этиш мумкин.

Бу Фармон хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилади.

Бу ҳаётбахш ҳужжат мамлакатимизда тадбиркорлар сафи бундан-да кенгайиши ва улар баланд чўққиларни забт этишига асос бўлиши аниқ!

“Инсон ва қонун”
муҳбири Дилфуза ЭРГАШЕВА тайёрлади.

Бош мақсад — Ватан тараққиёти, инсон манфаати

Ушбу Фармоннинг 4-бандида назар тутилган, амалиёт нуқтан назардан мўтлақо янги институт бўлган, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан Парламент назорати шакллари кўчатириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил институтининг ташкил этилиши, шўбасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янада қўлай шарт-шароитлар яратишга ҳамда ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга, иқтисодийнинг юксалтиришда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган мамлакатимиздаги инвестициявий имкониятларнинг янада орттиришга асос бўлади. Газетамизнинг бугунги сониде Парламент аъзоларининг мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.



Улғубек САМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Парламент аъзоси сифатида алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиздаги тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган ушбу Фармоннинг қабул қилиниши, том маънода иқтисодий-тизмизни либераллаштириш ва бозор мўносабатларини янада чуқурлаштиришга амалий ҳисса қўшади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат соҳадаги қонунчиликни тақомиллаштириш ва қонун ижроси устидан самарали назорат ўрнатишда Парламентимизнинг ваколати ва масъулиятини оширади. Чунки Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-

ридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил институтини ташкил этиш масаласини қўриб чиқиш тавсия этилган.

Эътибор қилинг, Вақилга қуйидаги муҳим вазифалар қўйилмоқда: тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўлаб-қувватлаш; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўйбга чиқарилаётганлигини ўрганиш; қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига рива этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Бу вазифаларни самарали амалга оширишда ушбу янги вақил институти тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа бир қатор тўзимлари билан мўносабатларда тадбиркорлар манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутди. Бундан келиб чиқиб айтиш кераки,

вақилнинг айнан Парламент ҳузурида ташкил этилаётганлиги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам янги-янги вазифаларни юқлайди.

Шунингдек, Фармоннинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги норматив базани мустаҳкамлашга, судлар ролини оширишга, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиларга чек қўйиш каби масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

— Қуйидаги масалага алоҳида эътибор қаратишларингизни истардим. Фахр билан, гурурланиб айтиш мумкинки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда эришилаётган беқиёс натижалар, аввало, мамлакатимизда белгиланган, пухта, ҳаётий, стратегик режа асосидаги босқичма-босқич ишлар самараси дейиш мумкин. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги ички маҳсулотда хусусий мулк улушини ошириш борасидаги ишларнинг набатдаги босқичини бошлаб берди. Юқорида ҳамкасбимиз томонидан таъкидланганидек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан вақил институтини ташкил этиш мўлжалланганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг ёрқин натижаси дейиш мумкин.

Фармонда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилганлиги давлат ва бизнес ўртасидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларининг очик ва шаффолигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда Фармонда белгиланганидек, бугунги интернет ва электроника даврида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳўжалик судлари тизимига кенг жорий этиш, суд мажлисларини аудио ва видео тарзда қайд этиш, қабул қилинган қарорларни веб-сайтларда эълон қилиш чораларини қўриш бўйича вазифаларнинг белгиланганлиги тадбиркор юрдошларимизга янада қўлай имкониятлар яратди.

Хулоса қилиб айтганда, юрдошларимиз, айниқса, ватанимиз тараққиётига ўзларининг амалий ҳиссаларини қўшиб келаётган тадбиркор ва ишбилармонларимиз томонидан кўтаринки рўҳда қўтиб олинган ушбу Фармонда амалга оширилиши белгиланган вазифалар пировардида бир мақсадга — инсон манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистон Конституциясида инсон



Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

манфаатлари, унинг кадр-қиммати энг олий қадрият эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлса, бу гоёнинг амалий ифодаси жамиятимиз қиёфасида — кун сайин ўзгариб, янгилини бораётган демократик жараёнлар, юрт маъмуричилиги ва халқ фаровонлигида кўринади. Бунда эса, хусусий мулк эгалари, тадбиркор ва ишбилармонларимиз фаолияти муҳим аҳамият касб этиши, шўбасиз.

Журналист
Арслон ЭШМУРДОВ тайёрлади.

